# ЮТУҚЛАР КАЛИТИ ОДАМЛАРНИ УЙҒОТИШ, УЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИНИ, БАРЧА ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИШДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Чунки табиатга буйруқ бериб бўлмайди. Аммо табиат инжиқлигини ҳар доим рўкач қилавериш ҳам ярашмайди. Ютуқларнинг калити аслида ўзимизда, ишнинг кўзини билиш, уни самарали ташкил қилиш, барча-барча имкониятларни ишга солиш ва аввало, мутахассис ва деҳқонларни рағбатлантириш, уларга суянишда.

Мана, мисол учун, бу йилги пахта терими мавсумини олайлик. Яратганимизга минг бора шукрки, бутун куз давомида икки ярим ой ҳаво очиқ бўлди, бир томчи ҳам ёмғир ёғмади. Бу ҳам худонинг бизга марҳамати эмасми? Нега биз баҳорнинг серёғин бўлганини баҳона қиламиз-у, кузнинг қишлоқ хўжалик мавсуми учун қулай келганини гапирмаймиз?

Барчамиз бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз зарур: пахтачиликнинг мавсуми чегараланган эмас, у йил ўн икки ой давомида муттасил меҳнат қилишни талаб этади. Шунинг учун ҳам ўз вақтида қилинмаган иш эртага бошқа ташвиш бўлади.

Давлатимиз раҳбари шу ўринда ҳамма нарсани об-ҳавога боғлаш, қўшимча сабаб қидириш заифлик аломати, хатони тан олиш эса мардлик белгиси эканини айтиб ўтди.

Ўзингиз ўйланг, ер ўз вақтида сифатли шудгор қилинмаса, шўри ювилмаса, эрта баҳорда чигитни барвақт ундириб олиш чораси кўрилмаса, сувдан самарали фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилмаса, илмий асосда уруғ танланмаса, бир сўз билан айтганда, Сирдарёнинг тупроғига, табиатига мос технология бўлмаса, қандай қилиб пахта мўл ҳосил берсин!

Сирдарё вилоятида нафақат пахтачилик, умуман, деҳқончиликда йўл қўйилаётган энг катта камчилик шундаки, қишлоқ хўжалик соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг негизи, асосий маъно-мазмуни унутиб қўйилмоқда. Бошқача айтганда, бу ерда одамларда — у ижара ёки ширкат хўжалиги бўладими — бундан қатъи назар, ерга ўзимнинг ерим, мулким деб қараш ҳиссиёти етишмаяпти. Бу, айниқса, бизни боқадиган ерга муносабат, унинг мелиоратив ҳолатига бепарволикда намоён бўлмоқда. Буни Мирзачўлни ўзлаштириш даврида ётқизилган дренаж қувурларини таъмирлаш билан боғлиқ муаммолар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мисол учун, 1998 йилда ҳисобга олинган мингта тик қудуқдан бугунги кунда фақат ярми сақланиб қолган, уларнинг ҳам аксарияти ишламайди. Бу мураккаб масалани вилоят раҳбарияти ҳукумат ёрдамида, республикадаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиши лозим.

Бундан ташқари, хўжаликлараро зовурларнинг 37 фоизи, ички хўжалик зовурларининг эса 47 фоизи яроқсиз ҳолга келиб қолган. Бунинг натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолати йилдан-йилга ёмонлашиб, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги сурункали равишда пасайиб кетмоқда.

Вилоятда суғориладиган ерларнинг 53 фоизи ўртача ва кучли даражада шўрлангани, кучли шўрланган ер майдонлари охирги тўрт йилда салкам 50 фоизга ортгани, 11 минг гектардан зиёд ер экин экиш учун мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолгани ҳам хўжаликларнинг иқтисодий жиҳатдан заифлашишига сабаб бўлмоқда.

Аммо шўр осмондан тушмайдику, ерга қанча сув кирса, шунча сув чиқиб кетиши керак. Лекин ўйлаб кўринглар, ҳозирги вақтда ерга кираётган сувнинг неча фоизи чиқиб кетади-ю, неча фоизи шўр бўлиб қоляпти. Бу ердаги қамиш босган зовурлар шунинг исботи эмасми, дея эътироз билдирди Президент.

Ахир, бир вақтлар Сирдарё механизация бўйича олдинги ўринда эдику, бу ерда илғор деҳқончилик мактаби бор эдику! Нега вилоят бугун мана шундай оғир аҳволга тушиб қолди?

Нима учун Сирдарёда ғалла ҳосилдорлиги 28 центнердан ошмаяпти? Нима учун, масалан, Андижонда 70 центнердан ошириб дон етиштириляпти-ю, бу ерда ҳеч қандай ўзгариш бўлмаяпти? Бу ўринда синовдан ўтган ва ўзини оқлаган уруғ навларини экишга аҳамият бериш керак. Лекин вилоятда бу масалада ҳам аниқ дастур, аниқ режа йўқ.

Умуман, ғаллачилик соҳасида вилоятда қандай истиқболли навларга таянаяпсизлар? Нима сабабдан вилоятда ғалла экиш мавсуми бунчалик кечикиб кетди?

Бултур вилоят бўйича 3 минг, бу йил эса 300 гектардан ортиқ майдондаги ғалла ўт босгани туфайли ўрилмай қолган. Баъзи раҳбарлар қамиш ёки бегона ўт босиб кетишини олдиндан била туриб, нега шу ерга яна ғалла экади? Буни қандай тушуниш мумкин?

Бундай аҳволнинг бош сабаби вилоятдаги мутасадди раҳбарларнинг қатъиятсизлиги, беғам-бепарволигидадир. Ўзини ҳоким, етакчи деб биладиган ҳар бир раҳбарда ўз ҳудудига эгалик, масъулият туйғуси бўлиши керак. Сирдарёда эса, афсуски, тескариси бўляпти.

Сизларнинг орангиздан Сирдарёни кўтараман, унинг аввалги шуҳратини тиклайман, деб майдонга чиқадиган ор-номуси баланд, қатъиятли одамларни қидираман, деди Юртбошимиз. Билсангиз, сизларга қараб мана шундай аччиқ гапларни айтиб ўтириш мен учун ҳам осон эмас. Чунки камчилик ҳақида гапириш, бировни танқид қилиш ҳеч кимга ёқмайди. Лекин мен шу мамлакатнинг раҳбари сифатида бугун бор ҳақиқатни айтиб, вилоятдаги ишларнинг аҳволини қониқарсиз деб баҳолашга мажбурман. Чунки сизларнинг дардингиз — менинг дардим.

Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, Мирзаобод, Оқолтин, Гулистон туманларида пахта экилиши мўлжалланган унумдор ерларга полиз ва сабзавот экинлари, Ховос туманида эса кўпгина майдонларда фуқаролар томонидан ноқонуний равишда шоли экилган.

Бундай нохуш ҳолатдан туман ҳокимлиги, мутасадди раҳбарлар бехабар қолганига қандай ишониш мумкин? Агар туман ҳокими ўз ҳудудидаги бундай ҳолатларни кўрмаса, билмадим, нима дейиш керак?

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида 4 мингдан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Лекин уларни қўллаб-қувватлаш, минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, сифатли уруғлик ва кичик техника воситалари билан таъминлаш, лизинг хизмати кўрсатиш масалалари ҳам мутасадди раҳбарлар эътиборидан четда қолмоқда.

Фермер хўжаликларининг дизель ёқилғиси ва бензинга бўлган талаби атиги 35 фоизга таъминлангани бу борадаги аҳвол нечоғли ачинарли эканини тасдиқлаб турибди.

Айниқса, шундоқ ҳам камёб бўлган минерал ўғитлар талон-торож қилинаётганига асло чидаб бўлмайди. Меҳнатобод ва Ховос туманлари кимётаъминот корхоналарининг омбор мудирлари Б. Сулаймонов, И.Норалиевлар 5 миллион сўмликдан ортиқ минерал ўғитни ўзлаштириб юборгани бунинг далилидир.

Айрим ҳокимликлар ва хўжалик раҳбарлари ҳамон фермер ва тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилиш ҳолатларига йўл қўймоқда. Буни жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоят хўжалик судига фермер ва тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш билан боғлиқ 22 та даъво аризаси тушгани ҳам тасдиқлайди.

Деҳқоннинг моддий манфаатдорлигини оширишга юзаки қаралаётгани боис 2001 йилда пахта сотиш шартномасини бажарган оилавий пудратчиларга улар олиши лозим бўлган пахта ёғи, шелуха ва кунжаранинг 30-40 фоизи ҳалигача берилмаган.

Масалан, Ш.Рашидов туманидаги «Топил ота», «Давр» фермер хўжаликлари аъзолари пахта сотиш режасини бажарганига қарамасдан, юқоридаги маҳсулотлардан бир килосини ҳам олмаган.

Пахта ёғи, кунжарани шу пахтани етиштириб, уни ишлаб чиқарган одамларга бермасдан, уларнинг ризқини қийиб, четга — Қозоғистон, Тожикистонга чиқараётган кимсаларга нисбатан кескин чора кўриш керак, деди Президент. Хўш, бу масалада милиция, прокуратура ва бошқа маъмурий органлар қаёққа қараяпти? Ахир, биз шу масалаларда тартиб ўрнатмасак, адолат бўлмаса, одамларнинг кўзига қандай қараймиз?

Шу ўринда давлатимиз раҳбари яна бир муҳим масалага эътибор қаратди. Гап шундаки, жойларда баъзан план деб, режа деб фермерлардан шартномада кўзда тутилмаган ғаллани тортиб олиш ҳолатлари ҳам содир бўлмоқда. Бундай бемаъни ишлар кимга керак? Бундай йўл билан бажарилган режа ҳеч кимга обрў келтирмайди, деб таъкидлади Президент.

Бу, эҳтимол, кимларгадир майда-чуйда нарса бўлиб туюлиши мумкин. Лекин бу ерда асосий нарса — адолат бузиляптику! Бунга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Адолатга нисбатан ишончини йўқотган деҳқон қандай қилиб эртага яна далага чиқади? Қайси юз билан унга яна далага чиқ, ғалла эк, пахта эк, деб айта оламиз?

Барака топкурлар, бугун сизларни ҳеч ким планни бажармадинг, деб илгаридек райком, обкомга чақирмаяптику! Ахир, деҳқон тўқ бўлса, унинг омбори ғаллага тўлса, бутун мамлакатда тўкинчилик, фаровонлик бўлади. Шундай экан, режадан ташқари ҳосилни, қанча бўлишидан қатъи назар, деҳқоннинг ихтиёрида қолдириш керак.

Бундай бемаъни ҳолатларнинг асосий сабаби шундаки, дея хулоса қилди Ислом Каримов, биз ҳамон эски тузумдан қолган иш услублари билан яшаяпмиз, ҳамон улардан воз кеча олмаяпмиз.

Бундай камчиликларни бартараф этиш, вилоят иқтисодиёти, жумладан, қишлоқ хўжалигидаги аҳволни ўнглаш учун ҳар бир соҳада кескин чоралар кўриш, тартиб-интизом ўрнатиш, одамларнинг қарашларини ўзгартириш керак.

Маълумки, иқтисодиёт соҳасидаги муаммолар ижтимоий масалаларга ҳам муқаррар ўз таъсирини ўтказади. Буни Сирдарё вилоятидаги бугунги аҳвол яна бир карра тасдиқлайди.

Айниқса, аҳоли турмуш даражасини яхшилашнинг муҳим шарти бўлган коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги муаммолар кишида жиддий ташвиш уйғотади.

Хусусан, вилоятда 1991 йилгача қурилган уй-жойларни капитал таъмирлаш йиллик режаси бўйича белгиланган 70 та уйдан фақат 40 таси таъмирланган, холос. Коммунал хўжалиги соҳасида ишлар кўлами катта бўлишига қарамай, уй-жой мулкдорлари ширкатларига ажратилган молиявий ва моддий-техникавий ресурсларнинг ҳажми 2001 йилнинг шу даврига нисбатан 47 фоизга камайган.

Аҳолисининг асосий қисми чўл ҳудудларида яшайдиган Сирдарё вилоятида одамларни табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда мана шу ҳаётий долзарб масалада ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Мана, бир мисол, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар асосида ичимлик сув билан таъминланиши зарур бўлган 24 та қишлоқнинг 15 тасида ҳанузгача бу борадаги ишлар охирига етказилмаган.

Ш.Рашидов, Меҳнатобод, Мирзаобод туманлари аҳолисининг бир қисми ҳали ҳам очиқ ҳавзалардан фойдаланаётгани наҳотки тегишли ҳоким ва мутасадди раҳбарларнинг виждонини қийнамаса?

Мирзаобод туманидаги Мирза, «Ёшлар» қишлоқларида, Оқолтин туманидаги Темур Малик, Ш.Рашидов туманидаги худди шу номдаги хўжаликларда ичимлик сув тармоқлари ва иншоотлари 3-4 йилдан буён ишламайди.

Гулистон, Сайхунобод, Боёвут туманларида 30 фоиздан зиёд аҳоли табиий газ қулайликларидан маҳрум бўлиб қолмоқда.

Вилоятда сув ва газ ўлчаш мосламаларини ўрнатиш ишлари ҳам мутлақо талабга жавоб бермайди. Шу кунга қадар бу борадаги режа газ ўлчаш асбоблари бўйича 52, сув ўлчаш асбоблари бўйича эса бор-йўғи 2 фоизга бажарилган, холос.

Қишлоқларни газлаштириш жараёнида айрим ташкилотлар раҳбарлари бюджет маблағларини талон-торож қилишга йўл қўяётгани, қилинмаган ишларни қўшиб ёзиш билан шуғулланаётганини фақат давлат мулки, халқ мулкига хиёнат, деб баҳолаш мумкин.

Ховос туманидаги «Мингтерак» қишлоғида вилоят қурилиш-монтаж бошқармаси томонидан 11 миллион сўмлик газ қувурлари тортиш ишлари бажарилгани ҳолда, ҳисоботга 4 миллион сўм қўшиб ёзилиб, катта миқдордаги бюджет маблағлари ўзлаштирилгани шундай деб айтишга асос беради.

Қиш мавсуми бошланаётганига қарамай, вилоятда қозонхоналарни капитал таъмирлаш, уй-жой фондини жорий таъмирлаш ишларининг сифати талабга жавоб бермайди.

Қурилиш соҳасидаги ишларда ҳам оқсоқлик сезилиб турибди. Биргина мисол: ўтган йили бу ерда 6 та касб-ҳунар коллежини фойдаланишга топшириш режалаштирилгани ҳолда, уларнинг 3 тасида қурилиш ишлари тугалланмасдан қолиб кетди.

Ёки вилоятдаги 78 та мактаб ва 32 та болалар боғчаси тўлиқ таъмирга муҳтож. 80 та мактаб мослаштирилган биноларда жойлашган. Мактабларнинг 25 фоизи газлаштирилмаган, 37 фоизида эса спорт заллари йўқ. 18 та янги мактаб биносининг қурилиши эса тўхтаб қолган.

Ўз-ўзидан савол туғилади: нима, бундай аҳволдан вилоят раҳбарлари бехабарми? Хабардор бўлса, нега амалий чора кўрмайди? Худди шундай танқидий фикрларни соғлиқни сақлаш тизими ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Барча шаҳар ва туманлар марказий шифохоналарида шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари ташкил қилинган бўлса-да, уларнинг аксарияти замонавий асбоб-ускуналар билан етарли таъминланмаган, диагностика жиҳозлари эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Ёки 25 та тиббиёт муассасасининг биноси тўлиқ таъмирга муҳтож бўлишига қарамай, бу борада ҳанузгача бирон-бир амалий қадам қўйилмаяпти. Бундай ҳолатни ўнглаш учун вилоят раҳбарлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари қандай чора кўрмоқда?

Вилоятда қўшимча иш ўринлари яратиш борасида ҳам ижобий ўзгариш сезилмаяпти. Йил давомида ишга жойлаштиришни сўраб бандлик хизматига мурожаат этган 9 мингдан зиёд кишининг ярми ҳам иш билан таъминланмаган. Уларнинг 71 фоизи эса қишлоқ аҳолиси.

Юртбошимиз сессия қатнашчиларига шундай савол билан мурожаат этди: нега пахтани етиштириш, териб олиш учун бир неча йиллар давомида бошқа ҳудудлардан ҳашарчилар жалб этилади-ю, вилоятнинг ўзидаги ишчи ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўқ?

Дарҳақиқат, бу йил вилоятга четдан беш ярим минг нафардан ортиқ киши йиғим-терим ишларига жалб қилинди. Ҳолбуки, ишни тўғри ташкил этган тақдирда бу ёрдамчиларга кетган харажатни, уларга тўланган иш ҳақини вилоятнинг ўз аҳолисига бериш, шу йўл билан уларнинг моддий таъминотини яхшилаш мумкин эди.

Кейинги йилларда вилоятда қонунбузарлик ва жиноятчилик кўрсаткичлари ортиб бораётгани кузатилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида қасддан одам ўлдириш 63 фоизга, босқинчилик 50 фоизга, қасддан оғир тан жароҳати етказиш уч баробарга ошгани, айниқса, вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш икки ярим мартага кўпайгани вилоят фаоллари ва жамоатчилигини жиддий ташвишлантириши керак.

Яна бир муаммо. Вилоятда халқимизнинг ризқ-насибаси бўлган товар-моддий бойликларни айрим фуқаролар томонидан четга ноқонуний олиб ўтиш ҳолларига чек қўйилмаяпти. Ўзингизга бир тасаввур қилинг, йил бошидан бери биргина ўсимлик ёғини қонунга зид равишда четга чиқариш бўйича 35 та жиноий ҳолат аниқланиб, ишлар суд идораларига оширилган.

Бир томондан, одамларимизнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжи учун зарур бўлган кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари ва товар-моддий бойликлар ташиб кетилмоқда, бир ёқдан эса, сифати паст, истеъмолга яроқсиз чет эл молларининг кириб келиши давом этмоқда.

Мисол учун, 2002 йил 1 ноябрь куни Қозоғистон Республикаси Мақтаарал тумани орқали Сирдарё тумани ҳудудига божхона назоратини четлаган ҳолда кириб келаётган 6 та юк автомашинаси текширилганда, уларга ортилган тарвуз ва қамиш остида Хитойда ишлаб чиқарилган 500 миллион сўмликдан ортиқ турли буюмлар борлиги аниқланган.

Вилоятда жиноятчиликнинг ўсиши, адолат тамойилларининг бузилиши сабабларидан бири суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг талаб даражасида олиб борилмаётганидадир.

Кейинги пайтда мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштиришга катта эътибор берилаётгани, бу ҳақда тегишли қонунлар қабул қилинаётгани вилоят суд идоралари фаолиятида ўз аксини топмаяпти.

Суд ҳокимияти вакилларининг ҳамон эскича қарашлардан воз кеча олмаётгани одамларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда. Масалан, Янгиер шаҳар суди судьяси О.Зокирова уч нафар фарзанди ва 7 ойлик ҳомиласи бўлган судланувчи Г.Маъмуровани чақирув қоғозига биноан судга етиб келмагани учун ҳибсга олиш ҳақида қарор чиқарган. Бу қайси инсоний ёки қонуний мезонларга тўғри келади? Бу қип-қизил зўравонлик эмасми?

Бундай нуқсонлар, қонунбузарликларнинг авваламбор, маъмурий, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан содир этилишини асло йўл қўйиб бўлмайдиган ва давлат ҳокимияти идораларини, унинг вакилларини обрўсизлантирадиган, халқимизнинг уларга бўлган ишончини йўқотадиган ҳолатлар, деб баҳолаш даркор.

Бир нарсани очиқ айтишим лозим, деди давлатимиз раҳбари, мансабдор шахс — у прокурор бўладими, суд ёки милиция, бошқа маъмурий ташкилотлар вакили бўладими — уларнинг орасида форма кийиб, давлат номидан ҳукмронлик қиладиган, ўзини йўқотиб, оёғи ердан узилиб, эл-юрт олдидаги масъулиятни, ўзи қаердан, қайси қишлоқ-шаҳардан чиққанини унутган одамлар пайдо бўлса, шуни билингларки, улар шу соҳада ҳалол ишлаётган минг-минглаб ходимларнинг обрўсига путур етказади ва уларнинг халқ ишончини қозониш учун қилаётган меҳнатини йўққа чиқаради.

Умуман олганда, Сирдарё вилоятида ҳуқуқ-тартибот, маъмурий органлар фаолиятида, уларнинг оддий инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш юзасидан ўз бурчи ва вазифасини бажаришда, тартиб-интизомни қонун доирасида қатъий таъминлашда, авваламбор, ўзларига нисбатан талабчанликни оширишда йўл қўйилган хато-камчиликлар бу соҳада иш анча бўшашиб кетганини кўрсатади.

Бу ҳол барчамизни ташвишга солиши зарур ва бу борада кескин чораларни қабул қилиш вақти-соати келди, деб ўйлайман, деди Президент.

Шундан сўнг сессия кун тартибига қўйилган ташкилий масала кўрилди. Алишер Исроилов бошқа ишга ўтгани муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келаётган Равшан Ҳайдаров вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги айрим фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Биз бундан уч йил олдин А.Исроиловга ишонч билдириб, уни вилоят ҳокими лавозимига тасдиқлаганимизда, ёшларимизга тезроқ катта йўл очиш, уларнинг салоҳиятидан кенгроқ фойдаланишни кўзда тутган эдик, деди Юртбошимиз.

Тўғри, дастлабки вақтларда у вилоят ҳаётида ўзгариш ясаш учун бирмунча ҳаракат қилди ва бу борада айрим ижобий натижаларга ҳам эришди. Лекин, очиқ айтиш керак, зиммасига юкланган масъулиятли вазифани талаб даражасида адо эта олмади.

Биргина мисол: халқимизда «Бола йиғламаса, она сут бермайди» деган мақол бор. Мен мана шу уч йил давомида вилоят ҳокимининг бирорта катта анжуманда сўзга чиқиб, бирон марказий идорага кириб, вилоят манфаатларини ҳимоя қилганини кўрмадим. У ҳатто вилоятдаги кескин муаммо — ерларнинг мелиоратив ҳолати бўйича ҳам бонг урмади, масала кўтармади, бу ҳақда бирон бир таклиф ёки дастур билан чиқмади.

Биринчи раҳбар томонидан кадрлар масаласида, аввало, уларни танлаш ва тарбиялаш, босқичма-босқич лавозимларга тайинлаш борасида бир қатор хато ва нуқсонларга йўл қўйилди. Натижада вилоятда кадрлар қўнимсизлиги одатий ҳолга айланиб қолди.

Кейинги икки йил ичида шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринбосарларининг деярли барчаси, ширкат хўжалиги раҳбарларининг ярмидан кўпи алмаштирилгани буни тасдиқлайди.

Меҳнатобод, Сайхунобод, Ховос туманлари ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари лавозимлари бир йилдан зиёд вақт давомида бўш турганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Ёдингизда бўлса, мана шу залда сизлар билан вилоят ҳокимини тайинлаганимизда, мен раҳбар одам маҳаллийчилик ва гуруҳбозлик каби иллатлардан узоқ бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлаган эдим, деди Президент.

Афсуски, бундай ҳолатларни бугун Сирдарё вилояти мисолида кўришимиз, бу ҳақда кўп мисолларни, фамилияларни келтиришимиз мумкин. Лекин гап бунда эмас. Ачинарли томони шундаки, вилоят ҳокими томонидан четдан олиб келинган кадрлар ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришда билим ва малакаларини кўрсата олмади, аксинча, вилоятдаги ижтимоий муҳитнинг бузилишига, аввало, ҳокимнинг обрў-эътибори тушишига сабаб бўлди.

Мен йўл қўйилган бундай хато ва камчиликларга фақат битта одам айбдор, деган фикрдан йироқман, деб таъкидлади Ислом Каримов. Бу масалада ўз вақтида принципиаллик ва қатъият кўрсата олмаган сиз, вилоят фаоллари ҳамда депутатларнинг ҳам айби бор, албатта.

Вилоятдаги кўпчилик ҳокимларнинг камчилиги шундаки, улар ҳаётнинг ичига кириб бориш, одамларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, уларнинг кўнглига йўл топишда ўзини намоён эта олмаяпти.

Ҳолбуки, ҳоким, етакчи деган шахс халқ қандай яшаяпти, унинг орзу-интилишлари, ташвиш-муаммолари нимадан иборат — барча-барчасидан албатта хабардор бўлиши керак.

Умуман, кадрлар масаласида бизда жиддий муаммо бор, деди Юртбошимиз. Эски кадрлар ёши туфайли пенсияга чиқиб кетяпти. Уларнинг ўрнига муносиб ёш кадрларнинг келиши эса қийин кечаяпти. Ҳаракатчан, билимли ёшларимиз бор, лекин уларнинг ҳали ҳаётий тажрибаси етарли эмас. Мен бугун ёшларимизга қарата, ҳаётни ўрганинглар, фақат пойтахтда яшаб ишлашни мўлжалламасдан, Сирдарёга, Жиззахга, Хоразм ёки Қашқадарёга ҳам боринглар, деб мурожаат қилмоқчиман.

Фақат инглиз тилини ёки бозор иқтисодиёти назариясини билиш билан иш битмайди, аввало ҳаётни билиш керак. Ёшларимиз ҳаётнинг ичига кириб бориши керак. Ахир, Ўзбекистоннинг юкини ёшларимиз кўтармаса, ким кўтаради?

Мен бугун мана шу залда ўтирганларга, бутун Сирдарё аҳлига мурожаат қилиб айтмоқчиман, ўрнингиздан туриб, бир атрофингизга назар ташланглар, қаранг, сизлар қандай келишган, билагi кучга тўлган одамларсиз, ахир, бундай одамлар билан ечиб бўлмайдиган муаммо борми?

Бунинг учун фақат Сирдарё халқига хос бўлган ғурур, ор-номус, азму шижоатни тиклаш керак. Токи одамлар, мен бу жойда вақтинча эмас, бир умр яшайман, томир ёзаман, деб келганман, шу ер менинг Ватаним, деган кайфият билан яшайдиган бўлсин.

Президент янги сайланган вилоят раҳбарини табриклаб, ишларига муваффақият ва омад тилар экан, барчамиз аввало унинг елкасига юкланган вазифа нақадар оғир ва масъулиятли эканини ўзимизга тасаввур қилишимиз лозим, деди.

Янги раҳбар вилоят олдида турган мураккаб вазифаларни бажариш учун ишни нималардан бошлаш, биринчи галда, қандай устувор, қандай муҳим муаммоларга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида чуқур ўйлаб, тегишли хулосаларга келиши зарур.

Ҳеч шубҳасиз, ким қандай ташвиш ва кундалик муаммолар билан яшамасин, барчамизнинг орзу-интилишларимиз энг эзгу мақсадларга қаратилган. Биз ҳаётимизнинг тинч ва осойишта ўтишини, фаровон ва осуда кечишини, фарзандларимиз — жондан азиз болаларимизнинг комил инсонлар бўлиб ўсишини, уларнинг келажагидан кўнглимиз тўқ бўлишини истаймиз, шундай олижаноб умид ва орзулар билан яшаймиз.

Ҳар қандай буюк мақсадга етишиш каби, бундай марраларга эришиш учун ҳам биринчи навбатда эл-юрт уйғониши, белини қаттиқ ва маҳкам боғлаб, шу ғоялар атрофида бирлашиши, барча имкониятларини, мудраб ётган салоҳиятини ишга солиши, сафарбар қилиши зарур.

Биз эл-юртимизнинг ғурурини кўтаришимиз, биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, нима учун кимдандир кам бўлишимиз керак, деган ғояларни одамларимиз, аввало, ёшларимизнинг онгига, юрагига сингдиришимиз даркор, дея таъкидлади Ислом Каримов. Ҳар қайси инсон буюк куч соҳибидир. Фақат уни уйғота билиш керак.

Мана шундай ғояларни уйғотиш, одамларни бирлаштириш, бошини қовуштириш учун эса уларнинг кўнглига йўл топиш, қалбига кириб бориш зарур. Агар мендан, ана шундай улуғ салоҳиятни ишга солиш учун аввало нима керак, деб сўралса, бунинг учун эл-юртни ўз атрофида жипслаштиришга қодир, шундай хусусият-фазилатларга эга бўлган раҳбарлар майдонга чиқиши керак, деб жавоб берган бўлардим.

Бир сўз билан айтадиган бўлсам, раҳбар деган одам фидойи бўлиши, халқнинг дарду ташвишларини, орзу-умидларини юрагидан, қалбидан ўтказиб, уларни рўёбга чиқариш, зиммасига юклатилган вазифаларни адо этиш учун ўзининг ҳаётини фидо қилишга ҳам тайёр бўлиши керак.

**Биринчидан,** одамларни, эл-юртни юксак мақсадлар ва марраларга даъват қиладиган раҳбар, аввало, ўзининг кундалик ҳаёти, бутун борлиғи билан бошқаларга ўрнак бўлиши, ҳақиқий курашчи бўлиши шарт.

**Иккинчидан,** бу мақсадларга эришиш учун раҳбар шу ғояларни ўзининг шахсий ғоялари деб биладиган фидойи инсонларни ўз атрофида бирлаштириши керак. Лекин улар хушомадгўй, лаганбардор кимсалар эмас, балки раҳбар билан маслакдош, ҳамфикр, эл-юрт манфаати йўлида сидқидилдан меҳнат қиладиган, ҳалол ва пок одамлар бўлиши лозим. Раҳбар ана шундай одамларни топиши, уларга таяниб ишлаши зарур.

**Учинчидан,** раҳбар ўз олдига ҳавойи, баландпарвоз мақсадларни эмас, балки аниқ, амалий вазифаларни қўйиши лозим. Бунга эришиш учун у, бошида оз бўлса-да, одамлар ҳаётини яхшилашга бевосита таъсир кўрсатадиган амалий ишларни қилиши керак.

**Тўртинчидан,** раҳбар қуруқ ваъдабозликка берилмаслиги, ҳаммага ёқиш кайфиятидан узоқ бўлиши зарур. Энг муҳими, раҳбар изланувчан, тадбиркор, қатъиятли, керак бўлса, қаттиққўл ҳам бўлиши, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини йўқотмаслиги, давлат, халқ манфаатини ҳимоялаш йўлида жонини ҳам аямаслиги, бошқаларни ҳам шунга сафарбар қила билиши керак.

Ўйлайманки, кўп-кўп ҳаёт синовларини бошидан ўтказган Сирдарё вилояти меҳнат аҳли, мана шу залда тўпланган фаоллар, — деди Президент Ислом Каримов пировардида, — бугун билдирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб олади ва янги раҳбар билан бирга ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб, мавжуд муаммоларни тез орада ижобий ҳал этади. Ва қисқа вақт ичида Сирдарё воҳасининг аввалги обрў-эътибори тикланади, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз.

■ **(ЎзА)**

1 ДЕКАБРЬ — БУТУНЖАҲОН СПИД КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

# БЕДАВО КУЛФАТ

**Суҳбатдошимиз — Сурхондарё вилоят СПИД марказининг бош шифокори Райимқул ҚУРБОНОВ. Суҳбат мавзуси ОИТС (СПИД)га қарши кураш ва ана шу оғир касалликнинг олдини олишга оид муаммолар хусусида**

**— СПИД балоси бугунги кунда инсониятни ўйлантираётган энг оғир муаммо. Чунки бу дардга ҳозиргача таъсирчан даво топилгани йўқ. Шу боис, аввало ана шу дардибедаво касалликнинг дунё миқёсидаги аҳволи хусусида тўхталсангиз?**

— Ҳақиқатдан ҳам ОИТС, яъни орттирилган иммунитет танқислиги синдроми касаллиги дунё бўйича катта тезлик билан тарқалиб бормоқда. Бу касалликка мубтало бўлганларни муқаррар ўлим кутади. Энг даҳшатлиси, ана шу дард билан оғриганлар ён-атрофдагиларга ҳам шу бедаво касалликни тарқатиши мумкин. Аммо... минг афсус ва надоматлар бўлсинки, ҳалигача СПИД балоси қандай оғир, фожиали аҳволга олиб келишини ҳамма ҳам етарлича англаб етган деб бўлмайди.



Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда ОИТСни юқтирганлар сони дунёда 65 миллион нафардан ошиб кетди. 25 миллиондан зиёд киши шу касаллик туфайли ёруғ дунёдан кўз юмган.

Дунёда ҳар дақиқада 16 кишига ана шу касаллик юқишини ҳисобга олсак, бу инсоният ҳаёти учун мисли кўрилмаган хавф, фожиа эканлигини тушуниб етиш қийин бўлмаса керак.

СПИД касаллиги шундай бир балоки, у мамлакат, миллат ва чегара билмайди. Ҳозирги пайтда дейлик, Африка қитъасида аҳолининг 17-25 фоизи СПИДга чалинган бўлиб, шуларнинг анча-мунчаси ҳомиладор аёллардир. СПИДга мубтало бўлган аёллардан туғилаётган гўдаклар ҳам ана шу вирусни юқтирган ҳолда дунёга келмоқда. Шу боис, одамзотни таназзулга учратишга қодир бу офат хавфини сезмаслик гумроҳликдан ўзга нарса эмас.

**— Мамлакатимизда бу борада аҳвол қандай?**

— Юқорида таъкидлаганимиздек, ОИТС чегара билмайди. Унинг қоидаси шундай: эҳтиёт бўлмайсанми, ўзингдан ўпкала! Иродасиз, маиший бузуқ кишилар, гиёҳванд ва енгилоёқ ишратпарастлар орқали вужудга кириб олувчи бу оғуни ажал сўқмоғи томон етаклаб кетаётган қора шарпага менгзаш мумкин. Касаллик мамлакатимиз, жумладан, Сурхондарё вилояти аҳолиси саломатлигига ҳам хавф солмоқда. Бу оғир дардга чалинганлар сони йилдан-йил ортиб бораяпти. Ушбу касаллик ташувчиларнинг аксарият қисми инъекцион, яъни томирига шприц орқали наркотик қабул қилувчи гиёҳвандлардир. Маълумотларга кўра, республикамизда 600 нафар киши СПИДга чалинган. Сурхондарёда уларнинг сони 69 нафар бўлиб, 3 нафари чет эл фуқароларидир. Беш нафар киши эса СПИД туфайли вафот этган.

**— Сиз келтираётган бу рақамлар аниқланган ҳолатлар, албатта. Аммо... ҳали яширин равишда юрган қанчадан - қанча вирус ташувчилар бўлиши мумкин. Шу сабабдан касалликнинг умумий белгилари ҳақида ҳам гапирсангиз?**

— Ҳамма бало шундаки, вирусни юқтирган беморда узоқ вақт, яъни ўн йилларгача касаллик белгилари сезилмаслиги мумкин. Узоқ яширин давр ўтгач, касалликнинг илк белгилари ўзини намоён қила бошлайди: яъни булар меҳнат қилганда тез чарчаш, териферик лимфа тугунлари катталашади, дармонсиз бўлади, ҳарорати 37-38 даражадан узоқ вақтгача тушмайди. Кечалари кўп терлаб, иштаҳа пасаяди, уйқу бузилади. Меъда-ичак фаолиятининг бузилиши туфайли бир кунда 10-15 мартагача ич кетиши кузатилади. Бемор озиб-тўзиб кетаверади.

Дунёда не-не мутахассислар уринишмасин, қанчадан қанча катта маблағлар сарф этилмасин, касалликнинг давоси топилгани йўқ. Унга йўлиқмасликнинг бирдан-бир чораси эса — пок ва иймонли яшашдир.

**— Кўпгина жойларда «Ишонч пункт»лари ишлайди. Хусусан, Термиз шаҳрида ҳам ана шундай пунктлар фаолият юритаяптими?**

— Бизда ҳам ана шундай пунктлар ишлаб турибди. Бу ерга келган кишининг шахси сир сақланади ва бир марта ишлатиладиган шприцлар ва жинсий ғилофлар бепул тарқатилади. Шунингдек, жинсий, гепатит ва ОИТС касалликларига тиббий кўрик ва маслаҳат бериш амалга оширилади. Ишлатилган шприц ва игналар қайтариб олинади ва йўқ қилиб ташланади. Чунки қонунларимизда гиёҳвандларга жиноятчи сифатида эмас, бемор сифатида қаралади. Шундай экан, «Ишонч пункт»лари



СПИД касаллигининг олдини олиш учун ишлайди. Шунинг учун Термиз шаҳар катталар поликлиникасида ва вилоят СПИД марказида пинҳоний хоналар ва «Ишонч пункт»лари (Тел: 7-27-03, 7-25-77) ташкил қилинган.

**— Айтинг-чи, ана шу сизлардаги «Ишонч пункт»лари орқали кўрикдан ўтиб, ўзининг СПИДга йўлиққанини билган беморлар учрайдими?**

— Учрайди. Мисол учун бундан уч-тўрт ой олдин бир ёш аёл «Ишонч пункти» орқали анализ топширди. Текширув натижаси ниҳоятда даҳшатли эди. Чунки у СПИД касаллигига йўлиққанди. Суриштириб кўрсак, аёл бир қанча йиллардан буён мунтазам гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиш билан бирга фоҳишалик билан ҳам шуғулланган. Энди бизни бу аёл ана шу юқумли ўлат вирусини қачон ва қанча одамга юқтиришга улгурганини аниқлаш ташвишга соларди. Ўйлаб кўринг, буни аниқлашнинг ўзи бўладими?

Дарҳақиқат, дунёда дардлар кўп. Аммо дарди бедавосидан асрасин. Айниқса, ҳозирги кунда турли «хилват жойлар» ташкил қилиб, қўшмачилик билан шуғулланаётган имонсиз одамлар пайдо бўлаётгани ачинарлидир. Бу жойларда ҳар куни тўғри келган одамлар билан жинсий алоқада бўладиган фоҳишалар «фаолият» юритадилар. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўнлаб хилдаги юқумли касалликларга чалинган «тунги капалак»лардир.

**— Сизнингча, инсониятни бу офатдан нима қутқаради? Умуман, бу балои азимнинг олдини олиш, уни йўқ қилишнинг имкони борми?**

— Ҳа, бу барчани ўйлантираётган масала. Менимча, биринчи галда одамзот ахлоқсизликдан ҳазар қилиши, ҳаром-ҳариш алоқалардан воз кечмоғи керак. Янада муҳими эса, оилада тарбия, болаларга эътибор кучайиши лозим. Фарзандларимиз мактабда қандай ўқишяпти, дарсдан бўш вақтлари нималар билан машғул? Олий ёки ўрта махсус ўқув юртларига кирган болаларимиз-чи? Улар ҳам доимий эътиборимизда, кузатувимиздами? Болаларимиз кимлар билан бирга, уларнинг ҳар куни кўришадиган ўртоқлари қандай оиланинг фарзандлари? Фарзандимиз қандай кино кўраяпти, қанақа китоб ёки газета ўқияпти? Буларга эътибор қилиш жуда ҳам муҳим.

Умуман олганда ана шундай инсоний ҳаёт мезонларига амал қилинса, бу кулфатлар инсоният бошидан ариган бўларди.

■ **Суҳбатдош:**
**Абдурасул ЖУМАҚУЛ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# «ҚАДОҚ», «ПАЙСА», «МИРИ» НИМА?



## ЁКИ ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ ТАРИХИ ҲАҚИДА

Қадимдан инсоният бирор нарсанинг ҳажмини, оғирлигини, қувватини ўлчаш учун эҳтиёж сезган. Ўлчаш учун турли идишлар ёки бошқа воситалардан фойдаланишган. Шу қўйи ўлчов бирликлари пайдо бўлган. Масалан, озуқа маҳсулотларини ўлчаш учун «қадоқ», «пайса», «юмалоқ», ҳажм ўлчови ўрнида «саржин», «тахта», «энлик», шунингдек, пулни ўлчашда «мири», «чақа», «сўлкавой» каби бирликлардан фойдаланилган. Бундан ташқари оғирлик бирликлари: мисқол (4,095 граммга тенг); қадоқ (409,5 гр.); пуд (16,380 кг.); ботмон (163,8 кг.), ер майдони (юзаси)нинг ўлчови — таноб (60х60 газ); жуфт ёки жуфти гов — бир жуфт ҳўкиз билан ишлов бериб олиниши мумкин бўлган ер майдони тушунчалари ҳам муомалада ишлатилган.

Дон, ун ва шу кабилар ўлчов сифатида: лингча (тахминан 65 л.), ўтин, пахса деворини ўлчаш учун саржин ($0,5x1x2м^3$) ўлчови мавжуд бўлган.

Сув сарфини ўлчашда қўлланиладиган ўлчов бирликлари — қулоқ (11,5 л/с.га тенг); тегирмон (57-58 л/с.); ҳўплам (15-20 мл.); томчи (0,05 мл.) бунга мисол бўла олади.

Узунлик ўлчови сифатида инсон танасининг бирор аъзоси ёрдамида, масалан қадам (0,75 м.га тенг); қарич (19-22 см.); қулоч (166-170 см.); бармоқ (20,8-22,8 мм.); тирсак (50-81,3 см.); чақирим кабилар билан ҳисобланган, чақирим — одам товушини эшита олиш мумкин бўлган масофа, тахминан 900 метр ҳисобида қабул қилинган тарихий ўлчов бирлигидир.

Тарихга назар ташлар эканмиз, яққол далил сифатида «Бобурнома» асарини кўрсатиш мумкин.

Бобур ўзи кўп йўл босганлиги учун ер-сув тақсимотидаги ҳамда қурилиш ишларидаги масофа ўлчовларига катта аҳамият берган. Шаҳарлар ва қишлоқлар орасидаги масофаларни «Бобурнома»да ўзига маълум бўлганича ёки суриштириб билганича зикр этган. Шу билан бирга, турли халқлардаги масофа ва оғирлик ўлчовларини ҳам қўллаган, изоҳлаб берган.

Бобур қўллаган ўлчов бирликларини ҳозирги ўлчовларга аниқ қиёслаш қийин. Уларнинг бир ҳисобда камроқ, бир ҳисобда ортиқроқ чиқишига ҳайрон бўлмаслик керак.

«Бобурнома»да энг кўп қўлланган масофа (узунлик) бирликлари «йиғоч», «куруҳ», «қари», «шаръи» сўзларидир. Бу сўзлар — бирликлар ҳозир унутилиб кетган, бироқ ўз даврида улар асосий масофа бирлиги бўлиб ҳисобланган.

«Панжшанба куни рабиул — охир ойининг тўртида мундоқ муқаррар бўлдики, Оградин Кобулғача Чақмоқбек Шоҳий тамғочининг нависандалиғи билан таноб урғай. Ҳар тўққиз куруҳда манор қўпорғайларким, манорнинг

1

баландлиғи ўн икки қари бўлғай. Устида бир чордара қўпорғайлар. Ҳар ўн секкиз куруҳда олти ём оти боғлағайлар. Ёмчи ва сайисга улуфа ва отларға алиқ таъйин бўлғай. Андоқ фармон бўлдиким, бу ём оти боғлатур ер агар холисаға ёвуқ бўлса, бу мазкур бўлғонларни андин саранжом қилсунлар, йўқ эрса, ҳар бекнинг парганасига воқиъ бўлса, унинг уҳдасида қилсунлар. Ушбу кун Чақмоқ била Шоҳий Оградин чиқтилар. Бу куруҳларни мил била мувофиқ тайин қилилди. Нечукким, «Мубаййин»да мазкурдурлар:

**Тўрт мингдур**
**қадам била бир мил,**
**Бир куруҳ они**
**Ҳинд эли дер бил.**
**Дедилар бир ярим қари**
**бир қадам,**
**Ҳар қари билки,**
**бордур олти тутам.**
**Ҳар тутам тўрт элик,**
**яна ҳар элик**
**Олти жав арзи бўлди**
**бил бу билик.**

Паймойиш танобини бу мазкур бўлғон бир ярим қари билаким, тўққуз тутам бўлғай, қирқ қари тайин қилилдиким, юз таноби бир куруҳ бўлғай», дейилади «Бобурнома» асарида.

«Қари» қадимий турк тилида ва мўғул тилида «қўл», «билак» маъносини беради. Бобур бир қари беш тутамга тенг, деб ёзган. «Йиғоч» — ҳозирги изоҳномаларда 7-12 км. деб берилади. Ҳатто бадиий адабиётда «тахминан 15 чақирим» деган изоҳ ҳам бор. «Йиғоч» асли маҳаллий туркий ўлчов бўлиб, эрон ва араб бирликларидан кўра халққа тушунарлироқ ва оммавийдир. Йиғоч — отлиқнинг бир соатда босиб ўтадиган йўли. Л. З. Будагов луғатида «Йиғоч» сўзига изоҳ берилган: «Бир киши бир (ўрта) ерда турса, икки тарафдан икки киши турса шул миқдорки, ўртада турган киши чақирса, улар овозини эшитсалар, уч маротаба бу миқдорни «йиғоч» дерлар». «12 минг қари бир йиғоч» деган ибора ҳам бор. Ўтган асрдаги турли вилоятларнинг масофа бирликларини солиштириб кўрганда, қуйидаги хулосага келиш мумкин: арабча «фарсах», эронча «санг», «фарсанг», ўзбекча «тош» ва «йиғоч» — деярли бир қийматдаги, бир узунликдаги масофа. «Фарсах» арабча сўз бўлиб, 12000 қадамга яқин. Форс тили таъсирида бўлса керак, «фарсанг» деб юритилган. Ўрта Осиёда тожикча «санг», туркийча «тош» сўзлари ўша маънода ишлатилган. Бир фарсах (фарсанг) 8 чақирим ёки 6,5-9,5 км.га тенг. Масалан, Бобур Бухоро билан Самарқанд ораси 25 йиғоч, Андижон билан Ўш ораси тўрт йиғоч йўлдур, деб ёзган.

«Куруҳ» — тўрт минг одим (бир манбада «фарсангнинг учдан бири» деб изоҳланган ва 2,3 км.га тенг дейилган). Масалан, Бобур «Самарқанддин уч куруҳ бўлғай» деб ёзган. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо тарихномасида «100 куруҳ — 30 фарсанг» дейилган, агар 8 км. ҳисобидан олинса — 2,4 км. чиқади. Демак, «Бобурнома»даги масофа ўлчов бирликларини бундай ҳисоблаш мумкин: «йиғоч» — 8 км., «куруҳ» — 2,5 км., «шаръи» — 2,4 км., «қари» — 55 см., «тутам», «мушт» — 8 см. Булардан ташқари, бир ўқ отин ер (110-125 м.), бир ўқ чоптирим ер (камондан отилган найзанинг учган масофаси) 215 м. га тенг келади.

Маълумки, қадимда масофа ўлчовлари оғирлик ўлчовлари сингари турли вилоятларда турлича бўлган. Ҳатто бир вилоятнинг ўзида бир нарсанинг ўлчови турли касб эгалари учун турли қийматда қўлланилган. Масалан, газлама ўлчайдиган «газ» билан меъморлар қўллаган «газ» бир-биридан фарқ қилади. Тошкент, Фарғона ёки Бухородаги бирликларда ҳам анча фарқ бор.

«Газ» кўпинча ўрта бўйли кишининг бармоғи учидан бурнигача (ярим қулоч) ёки бир қўлнинг учидан иккинчи қўлнинг қўлтиғигача бир газ ҳисобланган «Газ» аксари жойларда 1 м. дан узун, аниқроғи, 105 см. га тенг бўлган.

Юқорида фақатгина ўтмишда қўлланиб келинган ўлчов бирликларига тўхталиб ўтдик. Шу ўринда бизга таниш бўлган «метр», «километр», «тонна», «секунд» каби ўлчов бирликлари қачон ҳаётга татбиқ этилган ва қачондан қўлланила бошланган, улар қандай қийматларга эга, деган саволлар туғилиши табиий.

2

Даврлар оша дунё мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотиқ, ўзаро ҳамкорлик аста-секин турли ўлчов бирликларидан воз кечиб, ягона метрик тизимга ўтишни тақозо этди. 1875 йил Парижда бўлиб ўтган халқаро анжуманда худди шу масала бўйича бир тўхтамга келинди. Ана шу анжуманда қабул қилинган халқаро Метрик Конвенцияга дунёнинг 17 мамлакатидан келган мухтор вакиллар имзо чекишди. Ушбу анжуманда Россия давлати вакиллари ҳам иштирок этган эди. Бугун бизга яхши маълум бўлган ва ҳаётда кенг қўлланиб келаётган «литр», «тонна», «килограмм», «секунд» каби ўлчов бирликлари ҳам ана шу пайтдан амалга киритилди. Ушбу ўлчов бирликлари Россияда расмий тарзда октябрь тўнтаришидан сўнг, яъни 1918 йилдан буён қўлланила бошланган бўлса, Болгарияда 1889 йилдан, яъни турклардан озод бўлинганидан кейин 10 йил ўтгач амалга киритилган. АҚШда эса «метр», «килограмм», «литр» каби бирликлар оғзаки нутқда бўлмаса-да, миллий ўлчов бирликлари билан бирга қўшимча равишда ишлатилади.

Лекин бир хил номдаги ўлчов бирликлари турли давлатларда ўз қиймат ва маъноларига эга бўлган. Масалан, «мил» ўлчов бирлигини оладиган бўлсак, «мил» — лотинча «milia passum» 1000 қадамни англатиб, турли давр ва давлатларда 580 дан 11293 м. гача масофани англатган.

*Қуйида уларнинг баъзилари келтирилган:*

| | |
|---|---|
| **Миср мили** | **580 м.** |
| **Қадимги юнон мили** | **1388 м.** |
| **Эски рим мили** | **1481 м. (Кийеда 1482 м.)** |
| **Инглиз мили** | **1524 м.** |
| **Қуруқлик мили (Англия ва АҚШда)** | **1609,344 м.** |
| **Денгиз мили (Буюк Британия)** | **1853,184 м.** |
| **Қадимги араб мили** | **1920 м.** |
| **Географик мил (немис)** | **7467,44 м.** |
| **Рус (эски) мили** | **7467,60 м.** |
| **Швед мили** | **10000 м.** |
| **Эски чех мили** | **11200 м.** |

«верст» XVII-XVIII асрларда 500, 700 ва 1000» «саржин»ларда белгиланган, гарчанд «саржин» 1,95 м.дан 2,13 м.га тенг бўлса ҳам.

«Мил» — илмий адабиётда икки хил учрайди. Жўғрофий мил — 7420 м., денгиз мили — 1852 м. Араб мили эса булардан бироз фарқ қилган. «Мил» Ўрта Осиёда ҳам мавжуд бўлган. Бир «мил» — 4000 қадам билан, ярим «қари» — бир қадамга тенг, бир қари эса олти «тутам», бир тутам — тўрт «элик», бир элик эса олтита арпа энига тенг. «Навоий асарлари луғати»да мил — катта йўлларда бир ёғоч масофани кўрсатиш учун қўйилган белги, дейилади. Шундай қилиб, бир «мил» Шарқда тахминан икки км.га баробар бўлган.

«Мил» албатта ягона мисол эмас. Икки-уч юз йил аввал Европада турли ўлчамдаги юздан ортиқ «фут» ва 20 дан ортиқ оғирлик «фунт»и мавжуд эди.

Номи бир хил, маъноси ҳар хил бўлган ўлчовлар бир мамлакат ҳудудида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, «Тирсак» ўлчови камида иккита ўлчамни англатган. Хитой ўлчови «Ли» олтин ва кумушнинг оғирлигини, бундан ташқари 0,33 мм. ёки 576 метрга тенг бўлган масофани билдирган. Нью-Йоркда XX асрда 4 хил «фут» ишлатилган.

Узоқ ўтмишга назар ташлар эканмиз, юқорида тилга олинган, бизга таниш-нотаниш бўлган ўлчов бирликлари ҳаёт тақозоси билан кашф этилган. Ҳар бир мамлакатдаги ўлчов бирликларининг пайдо бўлиши ўша мамлакат миллий урф-одатлари, табиий шароитлари, турмуш даражаси билан боғлиқ бўлган.

■ **Шерзодбек САМАНДАРОВ,**
**НамДУ Жаҳон тиллари факультети магистранти**

3

XORIJDA

## ҚАТЛ ЭТИЛИШИНИ ТАЛАБ ҚИЛИШДИ

Ашгабатдаги «Мекан» саройи олдида минг кишилик митинг бўлиб ўтди. «Галкиниш» умуммиллий ҳаракати ва президент раҳбарлигидаги Туркманистон демократик партияси ташаббуси билан ўтказилган митинг қатнашчилари Сапармурод Ниёзов ҳаётига суиқасд уюштиришда иштирок этганлар қатл этилишини талаб қилиб чиқдилар.

Аслида Туркманистонда ўлим жазоси 1999 йили бекор қилинган, энг узоқ жазо чораси 25 йиллик қамоқ жазоси қилиб белгиланган, дея хабар беради «Новости» ахборот агентлиги.

## ПАРЛАМЕНТ ҚАРШИ ОВОЗ БЕРДИ

Яқинда Украина давлати бошлиғи мамлакатнинг миллий банки бошқаруви раиси Владимир Стельмахни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ва унинг ўрнига «Меҳнаткаш Украина» депутатлар фракцияси раҳбари Сергей Тигипкони сайлаш тўғрисида Олий Радага тақдимнома киритган эди.

«Новости» ахборот агентлиги берган маълумотга кўра, мазкур масалани парламент кўриб чиқди ва депутатлар банк раиси ўз лавозимидан озод этилишига қарши овоз беришди, яъни 214 депутат унинг бўшатилишини ёқлаб овоз берган, холос. Аслида овозлар сони 226 тадан кам бўлмаслиги лозим эди.



ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРИ

**«Bektemir temir-beton mahsulotlari» очиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси акциядорлари диққатига!**

*«Bektemir temir-beton mahsulotlari» очиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2002 йилнинг 30 декабрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳар Бектемир тумани Ж. Останов кўчаси 8-уйдаги жамият биносида ўтказилади.*

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2002 йилнинг 27 ноябрь куни ҳолатига кўра тузилган.

Умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Жамият таркибига «Akateks tekstil sanoat va tijorat» ЁАЖ Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасини бирлаштириш тўғрисида.

2. Бирлаштириш тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш тўғрисида. Акциядорлар умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар бўйича материаллар билан жамият маъмурий биносида танишишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 192-98-57, 192-99-64.

Жамият акциядорлари реестри 2002 йилнинг 27 ноябрь куни ҳолатига ёпилган.

Жамият кузатув кенгаши.

**«Akateks tekstil sanoat va tijorat» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ёпиқ акциядорлик жамиятини «Bektemir temir-beton mahsulotlari» очиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси таркибига бирлаштириш масаласига бағишланган қўшма йиғилиш 2002 йилнинг 30 декабрида Тошкент шаҳар Бектемир тумани Ж. Останов кўчаси 8-уйда соат 14.00 да ўтказилади.**

*Қўшма йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:*

1. «Akateks tekstil sanoat va tijorat» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ёпиқ акциядорлик жамиятини «Bektemir temir-beton mahsulotlari» Очиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси таркибига бирлаштириш тўғрисида.

2. «Bektemir temir-beton mahsulotlari» очиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси Устав фонди миқдорини ошириш тўғрисида.

3. Жамият эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш тўғрисида.

4. Жамият Кузатув кенгашига жамият эълон қилган акциялари миқдорида қўшимча акциялар чиқариш ҳуқуқини бериш тўғрисида.

5. Жамиятнинг қўшимча акцияларини чиқариш ва акцияларни айирбошлаш тўғрисида, жумладан жамиятнинг оддий, эгаси ёзилган акцияларидан бир қисмини имтиёзли эгаси ёзилган акцияларига айирбошлаш тўғрисида.

6. Имтиёзли акциялар бўйича дивиденд миқдорини белгилаш тўғрисида.

7. Жамият Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

8. Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш тўғрисида.

Иккала жамият акциядорлари рўйхати 2002 йилнинг 27 ноябрь ҳолатига кўра тузилган.

Манфаатдор шахслар қўшма йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар бўйича материаллар билан жамият маъмурий биносида танишишлари мумкин.

**Маълумот учун телефонлар: 192-98-57, 192-99-64.**

**ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!**
**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ**
**ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ**

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

**2002 йил 6,13,20,27,30 декабрь кунлари танлов савдоларини ўтказади.**

Савдоларга Яккасарой тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 6-уйда жойлашган, **бошланғич нархи — 12 923 000 сўм ёки 18 584 АҚШ доллари** бўлган 264-сонли ҳамда Миробод тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Фитрат кўчаси, 405-уйда жойлашган, **бошланғич нархи — 9 020 700 сўм** бўлган 164-сонли болалар боғчалари қўйилади.

**ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:**

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.

2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.

3. Боғча биносини ва иншоотларини қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.

4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.

5. Боғча биносини ва иншоотларини қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.

6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.

7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.

8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.

9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

*Танлов савдосига аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.*

***2002 йил 6,13,20,27,30 декабрь, 2003 йил 3,10 январь кунлари кимошди савдоларини ўтказади***

Савдога Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Сирғали даҳаси, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га, **бошланғич нархи — 640 000 сўм** бўлган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер майдонлари қўйилади.

**2002 йил 30 декабрь, 2003 йил 3,10 январь кунлари ўтказиладиган савдоларга юқоридагиларга қўшимча тарзда:**

Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, «Спутник» даҳаси, 6-мавзе, 9-уйда жойлашган, **бошланғич нархи — 1 308 900 сўм ёки 1 883 АҚШ доллари** бўлган «KOMMUNAL QURILISH» давлат унитар корхонаси ҳамда Мирзо Улуғбек тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Доғистон кўчаси, 56-уйда жойлашган, **бошланғич нархи — 2 159 900 сўм ёки 3 106 АҚШ доллари** бўлган Қурилиш таъмирлаш корхонаси, шунингдек, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Муса Жалил кўчасида жойлашган, сатҳи 0,027 га, **бошланғич нархи — 1 188 000 сўм бўлган** якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер майдони қўйилади.

*Кимошди савдосига ер майдонлари учун аризалар савдодан уч кун аввал, бошқа объектлар учун савдодан бир соат аввал тўхтатилади.*

**Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16-А уй.**
**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй.**
**Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.**

ÓZBEKISTON OVOZI

2002 YIL
30 NOYABR

# СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

**ПОЛЬ ГОЛЬБАХ — ФРАНЦУЗ ФАЙЛАСУФИ. 1723-1789 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:**

➲ Одам табиатдан воз кечганлиги учунгина бебахтдир.

➲ Тажриба томонидан бошқариладиган тафаккур инсон зотини узоқ вақт жафо торттириб келган хурофотларни уларнинг сарчашмаларида ахийри тор-мор қилмоғи лозим.

➲ Ҳамма ерда золим ҳукмдорлар ва коҳинлар (мажусийлар руҳонийлари) халқларга ясаётган оғир занжирлар айни гумроҳлигимиз туфайлидир. Табиат томонидан ўз бахт-саодати йўлида эркин меҳнат қилиш учун яратилган халқларни деярли барча мамлакатларда дучор этилган қуллик айни гумроҳлигимиздандир.

➲ Ёлғон ва адолатсизлик — жамият душманлари фойдасигагинадир. Ҳақиқат — барча ақлли одамларнинг дўсти. Ҳақиқат — бахт-саодат онаси.

➲ Табиатга худди каттакон устахонага каби қарайлик.

➲ Табиат ҳамма нарсаларнинг сабаби, у ўзи туфайли мавжуд, у мангу яшайди ва ҳаракат қилади.

➲ Одам табиатнинг ҳосиласидир.

➲ Эркинлик одам учун унинг ўз ичида жойлашган заруратдан ўзга нарса эмас.

➲ Одамга ҳамма нарсани билиш имконияти берилмаган, унга ўзининг келиб чиқишини билиш, нарсаларнинг моҳиятини англаш ва бирламчи сабабларини тушуниб етиш имконияти берилмаган.

➲ Одамларнинг табиий тенгсизлиги уларнинг мулкий тенглигини ҳам мумкин эмас қилиб қўяди. Кучи ва ақли, тадбиркорлиги ва табиатининг фаоллиги бўйича тенг бўлмаган мавжудотларнинг мулкини умумий қилишга уриниш беҳуда бўлган бўлур эди.

➲ Куч билан ўрнатилган ҳукумат куч билан ушлаб турилади.

➲ Табиатнинг режасига мувофиқ муайян заминлар ажойиб мевалар берадилар, айни пайтда, бошқалари фақат машаққатлар туғдирадилар, тиканли ўсимликлар, хавфли кўкатлар етиштирадилар. Бу одамларга нисбатан ҳам тўғридир.

➲ Бу дунёнинг энг йирик воқеалари негизида ётган майллар тафаккур нигоҳида арзимас нарса бўлиб кўринадилар. Ахлоқ тўғрисидаги баҳслар, болаларча истаклар, жанжаллар, қандайдир вазир ёки хонимнинг ёмон кайфияти, элчининг сурбетлиги, қароқчининг қўполлиги, нотўғри тушунилган сўз — мамлакатда уруш оловини ёқиш учун шунинг ўзи етарли!

➲ Оҳ, кошки курраи заминни ташкил этган хилма-хил давлатлар кичкина ва улар ушбу давлатларни бошқараётганларнинг истеъдодига мутаносиб бўлганларида эди.

➲ Ҳатто, энг омадли урушлар ҳам асло тинчликка олиб келмайдилар.

➲ Бахтли бўлиш учун бойликнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун бойликдан фойдаланишни ҳам билиш лозим.

➲ Тахт устидаги донишманд бандалардан энг бахтлиси бўлган бўлур эди.

➲ Одам ўз ҳаётида бир дақиқа ҳам эркин эмас.

➲ Дунёда адолатсизлик ҳукмронлик қилади.

➲ Одам бахтли бўлганидагина борлиқни севиши мумкин.

➲ Қайғу устахонасида бебахт одам ундан ўзига Худо ясайдиган тимсолни яратади.

➲ Одамнинг бахти ҳамиша унинг хоҳишларини атроф-муҳитга мос келишидадир.

➲ Одил суд барча ижтимоий эзгуликларнинг асосидир.

➲ Агар ҳамма вақт қўрқувдан титрасанг, ҳеч қачон бахтли яшаш мумкин эмас.

➲ Қўрқув ҳамиша одамларни алдаш ҳамда уларни асоратга солишнинг ишончли воситаси бўлган ва бўлади.

➲ Виждон — бизнинг ички ҳакамимиздир...

➲ Одамлардаги хурофотларни бартараф этмасдан туриб, уларни тузатишга уриниш — бефойда.

➲Ахлоқий тимсолларни туғма ёки беихтиёр ҳаракатларнинг ҳосиласидирлар дейиш, бу — гўёки, одам ҳали алифбо ҳарфларини билмасдан туриб, ўқишга қодир, деб тасдиқлашнинг ўзгинаси.

➲ Ахлоқ одамлар ўртасидаги алоқалар ва ушбу алоқалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳақидаги фандир.

**Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

* **Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.**

## «ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 97-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

**Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.**

**1 ТУР**
48 27 78 86 31 13 88 67 60 1 18 71 51 17 84 53 79 43 58 55
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами 70013320.2

**2 ТУР**
30 23 76 25 20 14 82 66 75 74 47 62 2 73 15 50 72 7 26
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами 60005519.3

**3 ТУР**
32 42 56 61 34 65 5 44 90 35 45 80 4 59 11 41 8 24 49
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами 50025452.1

**4 ТУР**
22 16 40 6 46
Сони: 1
ГАЗЕЛ автомобили
Чипта рақами 40011631.1

**5 ТУР**
37 33
Сони: 1
Видеомагнитофон
Чипта рақами 40007005.1

**6 ТУР**
64
Сони: 1
Видеомагнитофон
Чипта рақами 60027875.3

**7 ТУР**
70
Сони: 2
Видеомагнитофон
Чипталар рақами 10032994.1 80010939.2

**8 ТУР**
54
Сони: 2
Сумма: 5000

**9 ТУР**
29
Сони: 2
Сумма: 4000

**10 ТУР**
12
Сони: 2
Сумма: 3000

**11 ТУР**
85
Сони: 6
Сумма: 2000

**12 ТУР**
81
Сони: 4
Сумма: 1900

**13 ТУР**
36
Сони: 11
Сумма: 1800

**14 ТУР**
10
Сони: 5
Сумма: 1700

**15 ТУР**
39
Сони: 19
Сумма: 1600

**16 ТУР**
68
Сони: 27
Сумма: 1500

**17 ТУР**
19
Сони: 36
Сумма: 1400

**18 ТУР**
77
Сони: 45
Сумма: 1300

**19 ТУР**
87
Сони: 115
Сумма: 1200

**20 ТУР**
3
Сони: 192
Сумма: 1100

**21 ТУР**
21
Сони: 271
Сумма: 1000

**22 ТУР**
63
Сони: 455
Сумма: 900

**23 ТУР**
9
Сони: 584
Сумма: 900

**24 ТУР**
52
Сони: 1056
Сумма: 900

**Қўшимча тур**
Сони: 39
Сумма: 900

**Халтадан чиқмаган шарлар: 28, 38, 57, 69, 83, 89**

### "Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 19 декабрдаги 100-тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:




"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Мирobod тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.*

**КУРАШ**

# «МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ»



28-29 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида кураш бўйича ўсмирлар ва фахрийлар ўртасида «Маҳалламиз паҳлавонлари» биринчи республика турнирининг якуний босқич беллашувлари бўлиб ўтди. Июль ойида бошланган турнирнинг дастлабки уч босқичида мамлакатимизнинг беш минг етти юз ўн етти маҳалласидан юз мингдан зиёд ўғил-қиз гиламга чиқди. Улар орасидан сараланган энг чаққон, абжир ва кучлиларидан салкам 400 нафари пойтахтимизда ўтган якуний босқичда иштирок этишди.

Турнирда ўсмирлар икки гуруҳ (1989-90 ва 1987-88 йилларда туғилган қизлар ва ўғил болалар)да ўзаро баҳс олиб бордилар.

— Мен Учкўприк туманидаги «Шодлик» маҳалласиданман, — дейди турнир совриндорларидан бири Муаттар Носирова (33 кг.) — 1-мактабнинг 7-«Г» синфида ўқийман. Уч йилдан бери мураббий Дилмурод Қодиров менга кураш сирларини ўргатмоқда. Вилоятда барча рақибларни енгиб, бу ерда сурхондарёлик ва хоразмлик тенгдошларимни мағлубиятга учратдим. Фақат ярим финалда қашқадарёлик Дилноза Умировага ютқазиб қўйдим. «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақаси менга жуда ёқди. Келажакда турнир чемпиони бўлиш учун кураш билан янада кўпроқ шуғулланаман.

Фахрийлар ўртасидаги баҳсларда 55 ёшдан ошган ҳамюртларимиз тўрт вазн тоифасида гиламга чиқишди. Беллашувларда республикамизнинг турли вилоятларидан келган олтмиш нафарга яқин полвон ғолиблик учун баҳслашдилар.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

**Суратларда:** турнирдан лавҳалар.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**



## ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 660-сонли Фармойишига асосан 15.11.2002 йилдан 15.12.2002 йилгача

Ўзбекистон Республикасида

***«ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» ЎТКАЗИЛМОҚДА.***

Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ Мирobod тумани ИИБ ЁХБ Сиздан ушбу ойликда фаол иштирок этишингизни ва қуйидагиларга қатъиян амал қилишингизни сўрайди.

1. Ўз хонадонингиздаги газ ва электр иситиш асбобларини яна бир бор текширувдан ўтказиш керак.
2. Уй атрофларида, томорқаларда йиғилиб қолган хазон, шох-шаббаларни ёқиш мумкин эмас.
3. Уйингизнинг газ иситиш асбоби, мўрконларини текширувдан ўтказиш лозим.
4. Кўчада ҳар хил шубҳали қутилар кўриб қолсангиз олишга шошилманг, текшириб кўриш керак.
5. Қишнинг совуқ кунларида қўлбола электр ёки газ мосламаларидан фойдаланманг.
6. Ёнғин чиққанда дарҳол «01» телефон рақами орқали ёнғин ўчириш хизматига хабар беринг.

**МИРОБОД ТУМАНИ ИИБ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ БЎЛИМИ**

## СВЕДЕНИЯ О ВЫПУСКЕ АКЦИЙ СП ЗАО «MIRAGEMEBEL»

Основные сведения об эмитенте:

1. Полное и сокращенное наименование эмитента: **Совместное предприятие Закрытое акционерное общество «MIRAGEMEBEL»**

Отрасль: **Производство мебели.**

2. Организационно-правовая форма эмитента: **Акционерное общество**
3. Местонахождение и банковские реквизиты:

Полный почтовый адрес: **700033, г. Ташкент, Бектемирский район, ул. Д.Останова, 8**

Расчетный счет в банке и код банка: **р/с 20214000204203551001 код банка 00444**

4. Наименование регистрирующего органа, дата и номер государственной регистрации акционерного общества: **Министерство юстиции №85 от 03 сентября 2002 г.**
5. Уставный фонд: **191 027 500 сум**
6. Выпускаемые ценные бумаги (их количество, вид); **простые, именные, наличные, количество 250 шт. на сумму 191 027 500 сум**
7. Номинал одной ценной бумаги: **764 110 сум**
8. Способ размещения акций: **закрытое размещение среди акционеров**
9. Дата принятия решения о выпуске (дата общего собрания) **12 августа 2002 г.**
10. Орган управления АО, принявший решение о выпуске: **Учредительное собрание**
11. Начало процесса распространения ценных бумаг: **в течение 1 года с момента регистрации ценных бумаг в Центре по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг.**
12. Окончание процесса распространения ценных бумаг: **Не позднее одного года с момента регистрации выпуска ценных бумаг в Центре по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг.**

**Проспект эмиссии зарегистрирован Центром по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг под №Р0529 от 25 октября 2002 г.**

**Заинтересованные лица могут ознакомиться с проспектом эмиссии, обратившись по адресу: 700033, г. Ташкент, Бектемирский район, ул. Д.Останова, 8. тел: 192-99-27, 195-98-19.**

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

# ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

**Республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилояти филиали аукцион ва танлов савдоларига таклиф этади!**

**2002 йил 30 декабрь куни Навоий шаҳрида соат 15.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:**

1. Конимех тумани давлат солиқ назорати томонидан хатланган 4-сон КМШК мулклари:

— Ошхона биноси. **Бошланғич баҳоси — 8 439 100 сўм.**

— «Тико» автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 3 928 500 сўм.**

— Дала вагони. **Бошланғич баҳоси — 1 500 000 сўм.**

— Цистерна. **Бошланғич баҳоси — 1 177 500 сўм.**

— Кондиционер. **Бошланғич баҳоси — 104 130 сўм.**

2. Қизилтепа шаҳар «Қизил тонг» кўчасидан фуқароларга уй-жой қуриш учун 600,0 кв.м. дан 25 та ер майдонлари.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 55200 сўмдан.**

**2002 йил 30 декабрь куни Навоий шаҳрида соат 16.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган танлов савдосига қуйидаги мулклар қўйилади:**

Қизилтепа тумани Бўстон қўрғони С. Ражабов кўчасида жойлашган тиббиёт муассасалари бирлашмасига қарашли бўш турган (эски «Қуёшча») биноси.

**Бошланғич баҳоси — 760 000 сўм.**

**Танлов савдосидан объектни сотиб олишнинг шартлари:**

1. Сотиб олинган объектдан мақсадли фойдаланиш, яъни ушбу объектда аҳолига тиббий-профилактик хизмат кўрсатишни ташкил қилиш;
2. Сотиб олинган объектни қайта таъмирлаш ва унинг хизмат кўрсатишини жаҳон талабларига мос равишда ташкиллаштириш;
3. Сотиб олинган объектга мақсадли сармоя киритиш.

*Савдоларга қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.*

*Харидорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоларига қўйилган кўчмас мулклар, автомототранспортлар ва бошқа объектлар бўйича савдодан 1 соат олдин, ер майдонлари ва танлов савдолари бўйича 3 кун олдин тўхтатилади.*

*Танлов савдоларига аризалар билан бирга қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим.*

*Бизнес-режа, Низом (юридик шахслар учун), корхонанинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат (юридик шахслар учун).*

*Аризалар Давлат мулки қўмитаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармасига топширилади.*

*Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан респубика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилояти филиалига мурожаат қилишларини сўраймиз.*

**Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Навоий шаҳри, П. Очилов кўчаси, 24-уй, тел: (436) 224-15-61, 224-64-31.**

## СВЕДЕНИЯ О ВЫПУСКЕ АКЦИЙ СП ЗАО «TOSHKENT DEKORATIV TOSH MAHSULOTLARI»

Основные сведения об эмитенте:

1. Полное и сокращенное наименование эмитента: **Совместное предприятие Закрытое акционерное общество «Toshkent Dekorativ tosh mahsulotlari».** Отрасль: **Производство тротуарных плит.**
2. Организационно-правовая форма эмитента: **Акционерное общество.**
3. Местонахождение и банковские реквизиты:

Полный почтовый адрес: **700033, г. Ташкент, Бектемирский район, ул. Д. Останова, 8.**

Расчетный счет в банке и код банка: **р/с 20 21 40 00 10 42 03 04 00 01 код банка 00419**

4. Наименование регистрирующего органа, дата и номер государственной регистрации акционерного общества: **Министерство юстиции №80 от 20 августа 2002 г.**
5. Уставный фонд: **229 233 000 сум.**
6. Выпускаемые ценные бумаги (их количество, вид): **простые, именные, безналичные, количество 300 шт. на сумму 229 233 000 сум.**
7. Номинал одной ценной бумаги: **764 110 сум.**
8. Способ размешения акций: **закрытое размещение среди акционеров.**
9. Дата принятия решения о выпуске (дата общего собрания) **12 августа 2002 г.**
10. Орган управления АО, принявший решение о выпуске: **Учредительное собрание.**
11. Начало процесса распространения ценных бумаг: **в течение 1 года с момента регистрации ценных бумаг в Центре по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг.**
12. Окончание процесса распространения ценных бумаг: **Не позднее одного года с момента регистрации выпуска ценных бумаг в Центре по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг.**

**Проспект эмиссии зарегистрирован Центром по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг под № Р0528 от 25 октября 2002 г.**

**Заинтересованные лица могут ознакомиться с проспектом эмиссии, обратившись по адресу: 700033, г. Ташкент, Бектемирский район, ул. Д. Останова, 8. Тел: 192-99-27, 195-98-19.**

Республика Кўчмас мулк биржаси Бошқаруви ва жамоаси РКМБ бош мутахассиси **Раиса Мансуровна ВАЛЕЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1068
10476 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 00.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA